



## INSTITUTE OF EXECUTIVE LETTER IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN: PROBLEM, CONSIDERATION AND PROPOSAL

*Shokhrukhmirzo Gaybullaev*

*Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan,*

*Master's degree: prosecutorial activity*

*Tashkent, Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** executive letter (notarial writ of execution), notary system, enforcement proceedings, court order, legal guarantee, digitalization, legal succession, enforcement measures, coercive measures, legal certainty, uncontested claim and others.

**Received:** 04.04.26

**Accepted:** 05.04.26

**Published:** 06.04.26

**Abstract:** This article analyzes the legal nature of the institution of the writ of execution (notarial executive endorsement) in the legislation of the Republic of Uzbekistan, the existing problems in law enforcement practice, and possible ways to address them. Functional ambiguities between a court order and a notarial writ of execution, as well as the limited scope of legal enforcement measures related to writs of execution, are examined as pressing practical issues. The article also explores the challenges of ensuring legal safeguards in the application of electronic writs of execution in the context of digitalization. Specific proposals for improving the legislation are put forward. The author substantiates the necessity of reforming the current system.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИЖРО ХАТИ ИНСТИТУТИ: МУАММО, МУЛОҲАЗА ВА ТАКЛИФ

*Шохруҳмирзо Ғайбуллаев*

*Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси*

*магистратура босқичи: прокурорлик фаолияти йўналиши*

*Тошкент, Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** ижро хати, нотариат, ижро иши юритуви, суд буйруғи, ҳуқуқий кафолат, рақамлаштириш, ҳуқуқий ворислик, таъсир чора ва бошқалар.

**Аннотация:** Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ижро хати институтининг ҳуқуқий табиати, амалиётдаги муаммолари ва уларни

бартараф этиш йўллари таҳлил қилинган. Суд буйруғи ва нотариал ижро хати ўртасидаги функционал ноаниқликлар ҳамда ижро хатларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларининг чекланганлиги амалиётдаги долзарб масала сифатида кўриб чиқилган. Шунингдек, рақамлаштириш жараёнида электрон ижро хатларини қўллашда юзага келаётган ҳуқуқий кафолатлар муаммоси таҳлил этилган. Қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан аниқ таклифлар илгари сурилган. Муаллиф томонидан амалдаги тизимни такомиллаштириш зарурати асослантилган.

---

## ИНСТИТУТ ИСПОЛНИТЕЛЬНЫХ ПИСЕМ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН: ПРОБЛЕМА, РАССМОТРЕНИЕ И ПРЕДЛОЖЕНИЕ

*Шохрухмирзо Гайбуллаев*

*Академия правоохранительных органов Республики Узбекистан*

*Степень магистра: прокурорская деятельность*

*Ташкент, Узбекистан*

---

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** исполнительная надпись, нотариат, исполнительное производство, судебный приказ, правовая гарантия, цифровизация, правопреемство, меры воздействия, принудительные меры, правовая определенность, бесспорное требование и т. д.

**Аннотация:** В данной статье проанализированы правовая природа института исполнительной надписи в законодательстве Республики Узбекистан, существующие проблемы правоприменительной практики и пути их устранения. В качестве актуальной проблемы рассмотрены функциональная неопределенность между судебным приказом и нотариальной исполнительной надписью, а также ограниченность мер правового воздействия в отношении исполнительных надписей. Кроме того, проанализированы вопросы правовых гарантий при применении электронных исполнительных надписей в условиях цифровизации. Предложены конкретные рекомендации по совершенствованию законодательства. Автором обоснована необходимость модернизации действующей системы.

**Кириш.** Ўзбекистон Республикасида ижро хати институти фуқаролик муомаласи барқарорлигини таъминлаш, кредитор ва қарздор ўртасидаги мажбуриятларни тезкор ва самарали ижро этишга хизмат қилувчи муҳим ҳуқуқий механизм ҳисобланади.

Ижро хати – бу нотариус томонидан қонун билан белгиланган ҳолларда ва шартлар асосида қарздордан пул маблағлари ёки мол-мулк ундириш тўғрисида чиқариладиган ижро ҳужжати ҳисобланади.

Сўнгги йилларда (2024–2026 йй.) нотариат ва ижро иши юритуви соҳасида амалга оширилган институционал ва технологик ислоҳотларга қарамай, ижро хатлари институти амалиёти таҳлили мазкур тизимда қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш ва институционал мувофиқлик даражасида сақланиб қолаётган бир қатор умумий муаммолар мавжудлигини кўрсатади.

Биринчидан, ижро хатларини қўллашнинг марказий мезони ҳисобланган низосиз талаб тушунчаси қонунчиликда аниқ ва формал юридик критериялар билан мустаҳкамланмаган. Низосизликни аниқлаш нотариуснинг субъектив ҳуқуқий баҳосига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Нотариус ижро хатини расмийлаштиришда асосан кредитор тақдим этган ҳужжатларга таянади. Унда суд каби далилларни тўлиқ текшириш, қарши далилларни талаб қилиш ёки экспертиза тайинлаш ваколати мавжуд эмас. Бу эса айрим ҳолларда нотўғри ҳисобланган қарз суммаси ёки амалда бажарилган мажбурият бўйича асоссиз ундирувга олиб келиши мумкин.

Хусусан, қонун ҳужжатларида тақдим этилган ҳужжатлар қарздорнинг ундириб олувчидан қарздор эканлиги ёки бошқа мажбуриятини шубҳасиз тасдиқласа, ижро хати берилиши назарда тутилган. Бироқ, нотариус органларига тақдим этиладиган ҳужжатларнинг:

- алдаш, зўрлик, қўрқитиш, бир тараф вакилининг иккинчи тараф билан ёмон ниятда келиши ёки оғир ҳолатлар юз бериши таъсирида тузилганлигига;
- янглишиш таъсирида тузилганлигига;
- ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган фуқаро томонидан тузилганлигига;
- муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро томонидан тузилганлигига;
- қалбаки ва кўзбўямачилик учун тузилганлиги [1] га нотариус органлари баҳо бера олмайди.

Бу эса бир хил ҳуқуқий ҳолатлар бўйича турлича қарорлар қабул қилинишига, ҳуқуқни қўллаш амалиётида ягона ёндашувнинг шаклланмаслигига ҳамда кейинчалик ижро хатларининг суд тартибида бекор қилиниши ҳолатларининг кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Шу маънода, ижро хатлари институтининг судсиз юрисдикция табиати аниқ меъёрлар билан таъминланмагани унинг ҳуқуқий барқарорлигини пасайтиради.

Иккинчидан, ижро хатларини ёзишда нотариуснинг ваколатлари, ҳуқуқий баҳолаш чегаралари ва ҳужжатларни текшириш миқёси қонунчиликда тўлиқ регламентланмаган. Нотариус бир томондан ҳуқуқий низони ҳал этмаслиги керак бўлса, иккинчи томондан талабнинг низосиз эканини аниқлаши лозим [2]. Бу икки вазифа ўртасидаги мувозанатнинг норматив жиҳатдан белгилаб берилмагани нотариал амалиётда ортиқча эҳтиёткорлик ёки аксинча, формал текширув билан чекланиш ҳолатларини келтириб чиқармоқда. Натижада, ижро хатларининг сифати ва ҳуқуқий барқарорлиги нотариуснинг индивидуал касбий тажрибасига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Учинчидан, ижро хатларини ҳақиқий эмас деб топиш ёки улар ижросини тўхтатиш тартибининг тарқоқ ҳолда турли норматив ҳужжатларда тартибга солингани ҳуқуқий аниқликка путур етказмоқда.

Нотариуснинг асосий ваколоти – ижро ҳужжатларини расмийлаштириш, қабул қилиш ва қонуний тартибда ижро этишни таъминлаш. Ҳақиқий эмас деб топиш ёки ижрони тўхтатиш масаласи нотариус ваколатидан ташқари бўлиб, бу суд ёки тегишли органларнинг ҳуқуқи ҳисобланади.

Нотариат, фуқаролик процессуал ва ижро иши юритуви қонунчилиги ўртасидаги етарли даражадаги уйғунликнинг мавжуд эмаслиги суд амалиётида бир хил ҳуқуқий ҳолатларга нисбатан турлича қарорлар қабул қилинишига олиб келмоқда. Бу эса қарздор ва кредитор ҳуқуқлари ўртасидаги мувозанатни издан чиқариб, ижро жараёнларининг асоссиз чўзилишига сабаб бўлади.

Қарздор 10 кун ичида эътироз билдириш ҳуқуқига эга бўлсада, амалиётда ижро ҳаракатлари тез бошланиб кетади. Агар маблағлар ундирилиб бўлинган бўлса, уларни қайтариш (реституция) механизми узоқ ва мураккаб жараёнга айланади.

Амалга оширилган нотариал ҳаракатни, нотариал ҳаракатни тўхтатиб туриш ёки нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад этиш тўғрисидаги қарорни нотўғри деб ҳисоблаган манфаатдор шахс бу хусусида судга шикоят қилишга ҳақлилиги белгиланиб,

бунда амалга оширилган нотариал ҳаракатларни нотариуснинг ўзи бекор қилиши назарда тутилмаган.

Шунингдек, ижро хатини бекор қилиш ваколатини нотариус органларига топшириш томонларнинг ўз ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишда қийинчиликларни сабаб бўлиши ҳамда коррупцион ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин.

Шу сабабли, мазкур модда талабларини Фуқаролик[3] ва Иқтисодий процессуал кодекслари [4] даги “Ижро варақасини чақириб олиш ва янги ижро варақасини бериш” тўғрисидаги нормалар асосида қайта кўриб чиқиш лозим.

Тўртинчидан, ижро хатлари институтининг амалий қўлланилишида яна бир умумий муаммо суд буйруқлари билан функционал жиҳатдан аниқ ажратилмаганлик билан боғлиқ. Амалда бир хил тоифадаги низосиз талаблар бўйича ҳам суд буйруғи, ҳам нотариус ижро хати қўлланилиши мумкин.

Бу ҳолат ундирувчилар томонидан ҳуқуқий институтларни танлашда ноаниқликни, суд ва нотариат ўртасида сунъий институционал рақобатни ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётида барқарорликнинг бузилишини келтириб чиқаради. Натижада ижро хатлари институтининг устуворлиги амалда тўлиқ намоён бўлмай қолмоқда.

Суд томонидан ижро хатини текшириш жараёнида нотариуснинг ваколатларидан фойдаланиш чегаралари, талабнинг низосизлик даражаси, ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги, ижро хатини расмийлаштириш тартиби ҳамда ижро қилиниши натижасида тарафлар ҳуқуқларига етказилиши мумкин бўлган оқибатлар комплекс тарзда баҳоланади.

Бу ерда суд назорати фақат формал реквизитларни текшириш билан чекланмай, ижро хатининг мазмунан қонунийлиги ва асослилигига ҳам қаратилган бўлади.

Агар суд текшируви давомида ижро хати қонун талабларига зид равишда ёзилгани ёки унинг ижро қилиниши қарздорнинг қонуний манфаатларига асоссиз равишда зарар етказиши мумкинлиги аниқланса, суд ижро жараёнига таъсир кўрсатувчи қарор қабул қилади. Бу таъсир ижро хатининг ижро ҳужжати сифатидаги легитимлигини инкор этиш ёки ижро ҳаракатларини чеклаш орқали намоён бўлади.

Бунда мақсад ижро хатини автоматик равишда йўққа чиқариш эмас, балки унинг қонунийлиги тўлиқ аниқлангунига қадар асоссиз ҳуқуқий оқибатларнинг олдини олиш ҳисобланади.

Бешинчидан, рақамлаштириш соҳасида амалга оширилган ислоҳотларга қарамай, электрон ижро хатларини расмийлаштириш ва ижро этишда ҳуқуқий кафолатларнинг етарли эмаслиги ҳам умумий муаммо сифатида намоён бўлади.

Face-ID, видеоконференцалоқа ва автоматик ахборот алмашинуви каби технологиялар жорий этилган бўлсада, улар орқали қарздор иродасини аниқлаш, техник хатолар оқибатларини бартараф этиш ва электрон ҳужжатларнинг далилий кучини баҳолаш масалалари қонун даражасида тўлиқ тартибга солинмаган.

Бу эса технологик имкониятлар билан ҳуқуқий кафолатлар ўртасида номуносибликни юзага келтирмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини ислоҳ этиш ва соҳани рақамлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-1-сон Фармони[5] ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-1069-сонли Қонуни [6]да ижро ҳужжати шакллантириш чоғида ижро ҳужжати ундирувчи жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами ёки ундирувчи юридик шахснинг солиқ тўловчи идентификация рақами мажбурий киритилишини, шунингдек ижро ҳужжатларига асосан берилган ҳужжатлар тарафларга электрон шаклда тақдим этилиши ҳамда юборилишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.

Бироқ, нотариус ҳужжатлари, жумладан, ижро хатларига ушбу қоидалар татбиқ этилмаган.

Шунингдек, “Нотариус” ва МИБ ахборот тизимлари ўртасидаги маълумот алмашинувида камчиликлар мавжуд. Айрим ҳолларда шахсий маълумотлар, чекловлар ёки тақиқлар ўз вақтида янгиланмайди, бу эса ижро жараёни самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Олтинчидан, ижро хатлари ижросини таъминлашда Мажбурий ижро бюроси органларининг ваколатлари ҳам чекланган бўлиб, улар ижро хатининг моддий-ҳуқуқий асосларини баҳолаш ёки очиқ-ойдин қонунбузарлик белгилари мавжуд бўлган ҳолларда ижронини мустақил тўхтатиш имкониятига эга эмас.

Бундан ташқари, суд ҳужжатларига нисбатан ижро хатларида қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чораларининг қисман чекланганлиги. Жумладан, нотариус ижро хатларида қарздорлик суммасидан қатъий назар қарздорнинг четга чиқишини вақтинча чеклаш мумкин эмас.

Еттинчидан, нотариус ижро ҳужжатлари асосида юритилган ижро ҳужжатларида қарздор вафот этган тақдирда ижро ҳужжати аналга оширишда қийинчиликларнинг мавжудлиги.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддасига кўра ижро иши юритишдан тарафларнинг бири чиқиб кетган тақдирда (яъни ундирувчи ёки қарздорнинг вафот этиши, юридик шахснинг қайта ташкил этилиши, бошқа шахс фойдасига талаблардан воз кечилиши, қарзни бошқа шахсга ўтказилиши ва шу кабилар) давлат ижрочиси ўз қарори билан ана шу тарафни унинг ҳуқуқий вориси билан қонунда белгиланган тартибда алмаштириши шартлиги белгилаб қўйилган [7].

Яъни, ушбу нормада ижро иши доирасида тарафнинг бирини бошқасига алмаштириш учун унинг ҳуқуқий вориси бўлиши шarti қўйилган.

Бирок, ҳуқуқий ворислик Фуқаролик процессуал кодексининг 47-моддасига кўра суд томонидан низоли ёки суднинг ҳал қилув қарори билан аниқланган ҳуқуқий муносабатда тарафларнинг бири, учинчи шахс ёки уларнинг қонуний вакили чиқиб кетган тақдирда (фуқаронинг ўлими, юридик шахснинг қайта ташкил этилиши, бошқа шахс фойдасига талабдан воз кечиш, қарзнинг бошқа шахсга ўтказилиши ва х.к.) бу шахсларни уларнинг ҳуқуқий ворислари билан алмаштиришга йўл қўйилиши кўрсатилган [8].

Бунда низосиз талаблар очиқ қолган. Агар қарздор ижро хати берилгандан сўнг вафот этса, уни меросхўрларга нисбатан қўллаш тартиби аниқ регламент қилинмаган. Бу ҳуқуқий ноаниқлик ижро амалиётида қийинчиликлар туғдиради.

Саккизинчиси, шу билан бирга, халқаро элемент мавжуд бўлган ҳолатларда (масалан, хорижий шахс иштирок этганда) нотариал ижро ҳужжатларини тан олиш ва ижро этиш тартибида ҳам муайян ҳуқуқий ноаниқликлар юзага келиши мумкин.

Хорижий нотариал ҳужжатларни тан олишда аниқ процессуал механизмларнинг йўқлиги ёки етарлича ишлаб чиқилмагани ижро самарадорлигига таъсир қилади.

Шунга кўра, ижро хатларига айрим норма ва атамаларни белгилашда амалда қонунчиликда мавжуд бўлган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ва Иқтисодий процессуал кодексларидаги тартиблардан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги билдирилади.

Жумладан, қарздорнинг ижро хатини берган нотариусга эътироз билдириш ҳамда ижро хатини бекор қилиш билан боғлиқ норма мавжуд эмас.

Чунки Қонуннинг 39-моддасида амалга оширилган нотариал ҳаракатни, нотариал ҳаракатни тўхтатиб туриш ёки нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад этиш тўғрисидаги қарорни нотўғри деб ҳисоблаган манфаатдор шахс бу хусусида судга шикоят қилишга ҳақлилиги [9] белгиланиб, бунда амалга оширилган нотариал ҳаракатларни нотариуснинг ўзи бекор қилиши назарда тутилмаган.

Шунингдек, ижро хатини бекор қилиш ваколатини нотариус органларига топшириш томонларнинг ўз ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишда қийинчиликларни сабаб бўлиши ҳамда коррупцион ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин.

Бироқ, баъзи ҳолларда ижро хатлари ёзилган қатор камчиликларга йўл қўйилганда уларни қайтариб олиш тартиби мавжуд эмас.

Шу сабабли, мазкур модда талабларини Фуқаролик ва Иқтисодий процессуал кодексларидаги “Ижро варақасини чақириб олиш ва янги ижро варақасини бериш” тўғрисидаги нормалар асосида қайта кўриб чиқиш таклиф этилади:

“Ижро хатини қайтариб олиш ва янги ижро хати бериш.

Нотариус ўзи томонидан ёзувдаги хатолар, арифметик хатолар билан берилган, шунингдек ўзгартирилган (бекор қилинган) ижро хатини ундирувчининг, қарздорнинг, давлат ижрочисининг аризасига ёки ўзининг ташаббусига кўра қайтариб олишга ҳамда унинг ўрнига янги ижро хатини беришга ҳақли.

Ёзувдаги хатолар, арифметик хатолар билан берилган ёки ўзгартирилган (бекор қилинган) ижро хати уни берган нотариусга ундирувчи ёки давлат ижрочиси томонидан ижро этилмасдан қайтарилади”.

Ўзбекистонда нотариат ва ижро тизимини модернизация қилиш, электронлаштириш ҳамда ҳуқуқий хизматлар самарадорлигини оширишга қаратилган ишлар замирида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.09.2025 йилдаги “Нотариат институтини янада ривожлантириш ҳамда соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-280-сонли қарори қабул қилинди.

Қарорда ижро хатларини нотариуслар томонидан ёзиш ва тасдиқлаш бўйича янги тартиблар ўрнатилган бўлиб, жумладан 2026 йил 1 мартдан бошлаб базавий ҳисоблаш миқдорининг 1000 баробаригача бўлган фуқаролик-ҳуқуқий талаблар бўйича нотариуслар томонидан ижро хатларини ёзиш тартиби жорий этилиши ҳамда ушбу талаблар қаторига нотариал тасдиқланган битимларга асосланган талаблар, кўчар мол-мулкка тааллуқли

ундириш талаблари, ижара, коммунал хизматлар, мулкдорлар томонидан тўловлар бўйича қарздорликлар киритилиши белгилаб ўтиб кетилди.

Шу сабабли, Қонуннинг 78-моддасини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади:  
“78-модда. Ижро хатларини ёзиш шартлари.

Нотариуслар томонидан базавий ҳисоблаш миқдорининг минг бараваригача бўлган қуйидаги фуқаролик-ҳуқуқий низосиз талаблар бўйича ижро хатлари ёзилади:

нотариал тасдиқланган битимларга асосланган талаб;

ёзма ва нотариал тасдиқланган битим мавжуд бўлган тақдирда, ундирувчи қарздорнинг мажбуриятлари бажарилишининг таъминоти бўлган кўчар мол-мулкка қаратиш тўғрисида талаб;

ижара тўловлари, кўп квартирали уйлардаги жойларнинг мулкдорларидан мажбурий бадаллар ва тўловлар, коммунал ва алоқа хизматлари бўйича қарздорликни ундириш тўғрисида талаблар.

Ижро хатлари даъво қилиш ҳуқуқи вужудга келган кундан бошлаб ўтган вақт уч йилдан ортиқ бўлмаган талаблар бўйича ёзилади.

Агар ижро хати бериш ҳақидаги талаб учун қонунчиликда бошқа муддат белгиланган бўлса, ижро хати шу муддат ичида берилади.

Ижро хати ёзиш мумкин бўлган муддат ундирувчида қарзни мажбурий ундириш ҳуқуқи пайдо бўлган кундан бошлаб ҳисобланади.”

Шунингдек, нотариус ижро ҳужжатлари асосида юритилган ижро ҳужжатларида қарздор вафот этган тақдирда ижро ҳужжатини амалга оширишда қийинчиликлар мавжуд.

Шу сабабли, “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонун ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларда гаров билан таъминланмаган талаблардаги ижро хатлари бўйича юритилаётган ижро ҳужжатларида қарздор вафот этган тақдирда давлат ижрочиси томонидан уларни тамомлаш ва ижро хатини ундирувчига қайтариш ваколатини белгилаб ўтиш лозим. Бунда, ундирувчи умумий талаб доирасида ўз ҳуқуқларини суд орқали таъминлаши мумкин бўлади.

Юқорида ҳам айтиб ўтганимиздек, Вазирлар Маҳкамасининг 18.01.2002 йилдаги 26-сон қарори билан, ижро хатларига асосан амалга ошириладиган ҳужжатлар рўйхати тасдиқланган.

Аmmo, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.09.2025 йилдаги “Нотариат институтини янада ривожлантириш ҳамда соҳага замонавий ахборот-коммуникация

технологияларини кенг жорий этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-280-сонли қарорига асосан ушбу рўйхат кенгайтирилиши назарда тутилган.

Шу сабабли, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда нотариат институтининг ролини ошириш мақсадида, ушбу Вазирлар Маҳкамасининг 18.01.2002 йилдаги 26-сон қарорини янги таҳрирда қабул қилиш таклиф этилади.

Бундан ташқари, суд ҳужжатларига нисбатан ижро хатларида қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чораларининг қисман чекланганлигини амалиётда учратиш мумкин. Жумладан, нотариус ижро хатларида қарздорлик суммасидан қатъий назар қарздорнинг четга чиқишини вақтинча чеклаш мумкин эмас.

Бундай ижро хатлар учун таъсир чораларининг суд ҳужжатларига нисбатан “енгиллиги” эса уларнинг мажбурийлик характерида салбий таъсир кўрсатиб, ушбу институтнинг янада кенг доирада фойдаланишига салбий таъсир кўрсатади.

Шу сабабли, ижро хатларига асосан юритиладиган иш ҳужжатларида қарздорга нисбатан қўлланиладиган иқтисодий ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини суд ҳужжатлари каби бир хил қўллаш, жумладан, қарздорнинг четга чиқишини вақтинча чеклаш тартибини жорий этиш ва уни қонун ҳужжатлари билан мустаҳкамлаш ушбу институтга бўлган ишончни янада оширади.

Бундан ташқари, юқорида ҳам айтиб ўтганимиздек, янги жорий этиладиган тартибга кўра коммунал хизматлар учун қарздорликларни ундириш тўғрисида талаблар бўйича эндиликда ижро хатлари ёзилади.

Бунда ушбу коммунал қарздорликка оид ижро ҳужжатларини ижро этиш самарадорлигини ошириш ҳамда қарздор фуқароларга нисбатан ундирувни уларнинг яшаш жойига ёки мол-мулки турган жойга бормасдан, тақиқ ва чекловларни қўлламаган ҳолда, дастлаб, масофадан огоҳлантириш орқали амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Жумладан, статистик маълумотларга қарайдиган бўлсак, 2025 йилда давлат мажбурлов механизmidан фойдаланмаган ҳолда замонавий ахборот технологиялари орқали 2,6 млн. та ҳужжатлар ижро этилди.

Ўтказилган таҳлиллар ижроси унча мураккаб бўлмаган бир қатор ҳужжатларни давлатнинг мажбурлов механизmidан фойдаланмаган ҳолда ҳам ижросини таъминлаш орқали самарадорликка эришиш имконияти мавжудлигини кўрсатган.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Респуб-ликасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунига коммунал хизматлар учун

вужудга келган қарздорликларни коммунал ташкилотлар, бошқарув сервис ва маҳалла сервис компаниялари фойдасига қарздорликни ундириш ҳақидаги берилган ижро хатларини соддалаштирилган тартибда ижро этиш назарда тутувчи ўзгартиришлар киритиш таклиф қилинади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасида ижро хати институти фуқаролик муомаласида мажбуриятларни тезкор ва соддалаштирилган тартибда таъминлашга хизмат қилувчи муҳим ҳуқуқий механизм ҳисобланади.

Бироқ, нотариус ваколатлари чегарасининг етарлича регламентланмаганлиги мазкур институтнинг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шунингдек, электрон ижро хатлари бўйича ҳуқуқий кафолатларни мустаҳкамлаш ва ахборот тизимлари интеграциясини такомил-лаштириш талаб этилади.

Ижро хатларига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чораларини кенгайтириш ҳам уларнинг мажбурийлик характери ва самарадорлигини оширади. Қонунчиликни комплекс равишда такомиллаштириш ижро хати институтининг ҳуқуқий аниқлиги, адолатлилиги ва самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.12.2025 й., 03/25/1109/1241-сон;
2. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.02.2026 й., 03/26/1117/0116-сон;
3. Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида”ги Қонуни, 26.12.1996 йилдаги 343-І-сон;
4. Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни, 29.08.2001 йилдаги 258-ІІ-сон. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.12.2025 й., 03/25/1108/1217-сон;
5. Ўзбекистон Республикасининг 16.06.2025 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қаратилган ўзгартириш қа қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-1069-сон Қонуни. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 17.06.2025 й., 03/25/1069/0510-сон;
6. Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини ислоҳ этиш ва соҳани рақамлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 03.01.2024 йилдаги ПФ-1-сонли.  
<https://lex.uz/docs/6723273>;

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Нотариусларнинг ижро хатларига асосан қарзни ундириш сўзсиз амалга ошириладиган хужжатлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори, 18.01.2002 йилдаги 26-сон;

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.09.2025 йилдаги “Нотариат институтини янада ривожлантириш ҳамда соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-280-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/7722035>;

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 13.03.2018 йилдаги “Ижро хужжатлари юзасидан қарздорликларни ундириш масалалари бўйича ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини яратиш тўғрисида”ги ПҚ-3597-сон Қарори.